# БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР СПОРТ МАКТАБ (БСМ, БЎСМ)ЛАРИНИ ТАШКИЛЛАШ ВА УЛАРНИНГ ИШИ МАЗМУНИ

**Шавкат Абдурахмонов,**
ўқитувчи Фарғона давлат университети

**Азизбек Мамаджонов,**
магистр Фарғона давлат университети

Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари мактабдан ташқари ўқув муассасалари сифатида ўқувчи талаб ёшлар таркибидан спортга лаёқати болалардан юқори спорт маҳоратига эга бўлган спортчиларни тайёрлаш мақсадини қўяди. Шу аснода ўқувчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама жисмоний ривожлантириш, жисмоний тайёргарлигини ошириш ва юқори спрот маҳоратига эриштириш билан боғлиқ қуйидаги қатор **вазифаларни** ҳал қилади.Улар:

а) ўқувчиларни ҳар томонлама жисмоннй гайёргарлигини ва саломат лигипи мустаҳкамлаш учун база яратиш билан юқори малакага эга бўлган ёш спортчиларни тайёрлаш;

б) шуғулланувчилардан жамоатчи йурикчилар ва спорт ҳакамларини тарбия лашни таъминлаш;

в) умумий таълим мактаблари, академик-лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, гимназияларда ўқувчи-талабаларни жисмоний машқлар ва спорт билан оммавий шуғулланишлари учун туртки тарзидаги ёрдамни йўлга қўйишдан иборат.

Бу вазифалар турли типдаги, турли хилдаги ўқув гуруҳларида, таълим олиш йилига қараб спорт мактаблари учун конкретлаштирилади, ўқув дастур лари, спорт тайёргарлиги эътиборга олиниб ўқув муассалари шуғулланув чилардан жамоатчи-йўриқчилар, жамоатчи спорт ҳакам(судья)лари тайёрланади, ҳамда умумий таълим мактабларининг МЖМЖларига услубий марказ ролини ўйнайди ҳамда умум таълим мактабларининг синфдан ташқари оммавий-спорт ва соғломлаштириш ишларини ташкиллашга ёрдам беради.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари Республика Халқ таълими, Каса ба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт қўмиталарининг кўрсатмалари асосида умумий таълим мактаблари, шаҳар ва қишлоқ фуқаролари йиғинла рининг, яшаш жойлари, уй бошқармалари, спорт базалари, спорт иншоат лари, сув ҳавзалари ва бошқа идора, ташкилотлари қошида ташкилланади.

Спорт мактабларини очишнинг асосий шарти ўқув-тренировка машғу лотларини ўтказиш учун мактаб очишни мақсад қилувчи ташкилотнинг ўз базаси ёки ижарага олинган спорт базасига эга бўлиши, идоралари ва ёрдамчи хўжаликлар учун бинолари,

шунингдек, раҳбар, мураббий-ўқитувчи кадрлар ҳамда молиявий таъминловга эга бўлиши керак.

БСМ ва БЎСМлар таркибида **тайёрлов ва бошланғич** ҳамда **бошқа ўқув машғулотлари гуруҳлари** таркиб топтирилади. Бу билан мактабларнинг спорт ишларида юқори кўрсаткичларга эришиши учун зарур шартларни ҳисобга олиб мукаммал ўқув спорт гуруҳларини юзага келтириш имконияти юзага келтирилади.

Болалар ва ўсмирлар олимпия заҳираларини тайёрлашга ихтисослашган спорт мактаблари алоҳида ёки спорт базаси ва **юқори малакали** мураббий-ўқитувчилар билан таъмнланган, малакали спортчилар тайёрлаш ишларида юқори кўрсаткичларга эришган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари қошида ҳам ташкилланиши мумкин.

БСМ ва БЎСМларида ҳал қилинадиган вазифалар билан бир қаторда олимпия заҳираларига ихтисослашган спорт мактаблари олдига аниқ мақсад қилиб – спортнинг у ёки бу тури бўйича мамлакат терма жамоаларига юқори малакали спортчилар тайёрлаб бериш мақсади қўйилади.

Белгиланган вазфалар БСМ ва БЎСМларни, олимпия заҳираларига ихти сослашган олимпиада заҳиралари спорт мактаблари фаолиятининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Бундай мактаблар спортнинг бир ёки бир неча аралаш тури учун мўлжалланиб очилиши мумкин.

БСМ ва БЎСМларнинг олимпия заҳираси тайёрлашга ихтисослашган спорт мактабларида бошланғич**, тайёрлов, ўқув гуруҳлари ва спорт бўйича белгиланган даражадаги маҳоратга** эга бўлган гуруҳлар ташкилланади. **Мактабларга раҳбарлик** фақат бой тажрибага эга бўлган олий маълумотли соҳа мутахасиси (ёки соҳа бакалаври, магистри)-болалар билан ишлаш тажрибасига эга бўлган **директор томонидан бошқарилади.**

Мактабдаги барча ишларни ташкиллашга **директор масъулдир.** Мактаб директоридан ташқари бу ўқув муассасаларида қуйидаги **иш ўрни: ўқув ишлар бўлими мудири** (директор ўринбосари), тарбиявий ва услу бий ишларни бошқариш ва такомиллаштириш учун **бош йўриқчи, услуби ётчи, йўриқчи-услубиётчи ҳамда мураббий-ўқитувчиларнинг иш штати** билан комплектланади.

Уларнинг фаолияти - ота-оналар қўмитаси, мактабни ташкиллаш учун масъул ўқув корхонаси ёки мактабни ташкилловчи ташкилотнинг касаба уюшмаси вакилидан иборат мактабнинг **“Педагоглари кенгаши”** бошқаради.

Педагоглар кенгаши таркибида агар мактаб бир неча спорт турлари бўйи ча ўқув-тренировка машғулотларини ташкиллаш учун мўлжалланган бўлса, спорт турлари бўйича “мураббийлар кенгаши” ҳам фаолият кўрсатади.

Ўқув гуруҳларида саркор (бошлиқ)лар сайланади. Улар саркорлар (бошлиқ, капитанлар) кенгашига бирлаштирилади. Кенгашлар (бошлиқ, капитан)лар билан ўз-ўзини бошқарувчи орган бўлиб, мактаб ичидаги мусоба қалар, байрам ва кечаларни

ташкил қилиш ва ўтказишда иштирок этади, деворий газета чиқаради, мактабда тартиб-интизомни сақлашни назорат қилади.

**Медицина назорати** – врачлик жисмоний тарбия диспансерлари, улар бўлмаган тақдирда ҳудуднинг поликлиникаси врач назорати бўлимида амал га оширилади. Мактабнинг ҳар бир ўқувчиси учун белгиланган шаклдаги тиббий назорат картаси тўлдирилади ва улар мактабнинг тиббиёт ходими хонасида ёки врачлик жисмоний тарбия диспансерида (ҳудудий поликлиникаларда) сақланади.

**БСМ, БЎСМларнинг ташкилий – хўжалик ишлари хужжатлари** қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) тасисчи ташкилотининг ташкилий, ўқув, оммавий, спорт, тарбиявий, тарғибот - ташвиқот ишлари, ишчилар малакасини ошириш, ўқувчиларга тиб бий ёрдам кўрсатиш, ота-оналар ва умумтаълим мактаблари билан ишлаш, молия-хўжалик фаолияти ва ўқув йили масалаларни ўз ичига олган, тасдиқ ланган, **истиқболли ва йиллик иш режалари;**

2) мураббий-ўқитувчилар ва мактаб ишчиларининг юқори ташкилот томонидан тасдиқланган **тарификация рўйхати, иш ҳақи табелллари**;

3) ташкилотлар, крохоналар ва бошқа ташқаридан келган ва уларга чиқарилган, юборилган **хужжат ва хатларни рўйхатга олиш дафтари;**

4) мактаб жисмоний маданияти ва **спорти тарихи ва спорт рекордларини рўйхатга олиш дафтари;**

5) спорт маҳорати даражалари(разряди) ва жамоатчи спорт ҳакамлари, қатнашган, ўтказилган тадбирлар ва мусобақаларнинг **баённомалари, уларни ҳисоботини олиб бориш** дафтарлари;

6) мактаб ўқувчилари умумий, **спорт турлари ва ўқув гуруҳлар бўйича рўйхатлари, уларнинг шахсий карталари (ўқишга қабул қилиш ҳақидаги ариза, фото сурати, шахсий карточкалари, врач назорати картаси);**

7)мактаб **ишчи ходимларининг шахсий делолари;**

8) буйруқлар, педагогика кенгаши баённомалари, меҳнат дафтарча ларини бер иш, ишонч қоғозлари ва бошқа хужжатлар юритилади.

**Адабиётлар**

1. ABDUSATTAROVICH, K. R., & ALISHER, K. (2022, May). PLANNING OF THE EDUCATIONAL AND TRAINING PROCESS OF YOUNG ATHLETES DURING EXTRACURRICULAR ACTIVITIES. In E Conference Zone (pp. 27-31).
2. Gennadevna, K. G. (2021). Athletics in the System of Physical Education of Student Youth. European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630), 250-252.

3. Kuchkarovna, Y. G. Y. (2022). Bolalarda Bronxid Kasalligini Davolash Jismoniy Tarbiyasi. Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities, 4, 1-4.
4. Khamrakulov, R., & Abduzhalilova, K. (2022). FEATURES OF PHYSICAL EDUCATION IN GRADES 5-6 OF SECONDARY SCHOOL. Academicia Globe: Inderscience Research, 3(05), 82-90.
5. Р.Хамроқулов, & Н.Мухаммадов. (2022). ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРИНИ ВА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР РИВОЖЛАНТИРИШ . World Scientific Research Journal, 2(2), 185–192. Retrieved from
6. Gennadevna, K. G. (2021). Athletics in the System of Physical Education of Student Youth. European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630), 250-252.
7. Gennadevna, K. G. (2021). Athletics in the System of Physical Education of Student Youth. European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630), 250-252.
8. Gennadevna, K. G. (2021). Athletics in the System of Physical Education of Student Youth. European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630), 250-252.
9. Gennadevna, K. G. (2021). Athletics in the System of Physical Education of Student Youth. European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630), 250-252.
10. Gennadevna, K. G. (2021). Athletics in the System of Physical Education of Student Youth. European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630), 250-252.
11. Kuchkarovna, Y. G. Y. (2022). Bolalarda Bronxid Kasalligini Davolash Jismoniy Tarbiyasi. Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities, 4, 1-4.
12. Hamroqulov, R., & Nishonov, S. (2022). Methods of increasing physical faiths during the training of football players. Texas Journal of Multidisciplinary Studies, 8, 130-132.
13. Hamroqulov, R., & Nishonov, S. (2022). Methods of increasing physical faiths during the training of football players. Texas Journal of Multidisciplinary Studies, 8, 130-132.
14. Khamrakulov, R., Karakulov, K., & Jabbarov, A. (2019). TECHNOLOGY TO IMPROVE THE DURABILITY OF CONCRETE IN THE DRY HOT CLIMATE OF UZBEKISTAN. Problems of Architecture and Construction, 2(1), 74-77.
15. Gennadevna, K. G. (2021). Athletics in the System of Physical Education of Student Youth. European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630), 250-252.
16. Ma'mirjon, Y., & Saminjon, X. (2022). MAKTAB YOSHIDAGILAR HARAKAT AKTIVLIGI (FAOLLIGI) NING ME'YORI. Conferencea, 75-78.
17. Усманов, З. Н., & Убайдуллаев, Р. М. ПРОБЛЕМЫ ФИЗКУЛЬТУРНО-ОЗДОРОВИТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ В СИСТЕМЕ ШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ. 11. Usmanov, ZN, & Ubaidullaev, R.(2020, December). PROBLEMS OF PHYSICAL AND HEALTHY WORK IN SCHOOL EDUCATION SYSTEM. In Конференции (Vol. 12, pp. 114-119).

18. Ismoilov, S. D. (2022). O ‘SMIR YOSHDAGI O ‘QUVCHILARDA OILAVIY QADRIYATLARNI RIVOJLANTIRISHNING O ‘ZIGA XOS МУҲИМ JIXATLARI. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 3(5), 96-100.
19. Kuchkarovna, Y. G. Y. (2022). Bolalarda Bronxid Kasalligini Davolash Jismoniy Tarbiyasi. Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities, 4, 1-4.
20. Р.Хамроқулов, & Н.Мухаммадов. (2022). ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРИНИ ВА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР РИВОЖЛАНТИРИШ . World Scientific Research Journal, 2(2), 185–192. Retrieved from
21. Ma'mirjon, Y., & Saminjon, X. (2022). MAKTAB YOSHIDAGILAR HARAKAT AKTIVLIGI (FAOLLIGI) NING ME'YORI. Conferencea, 75-78.
22. Khamrakulov R., & Abduzhalilova K. (2022). FEATURES OF PHYSICAL EDUCATION IN GRADES 5-6 OF SECONDARY SCHOOL. Academicia Globe: Inderscience Research, 3(05), 82–90.
23. Usmanov, Z. N., & Ubaidullaev, R. (2020, December). PROBLEMS OF PHYSICAL AND HEALTHY WORK IN SCHOOL EDUCATION SYSTEM. In Конференции.
24. Убайдуллаев, Р. М. (2020). Сопоставительный мониторинг показателей физической подготовленности девушек сельских школ с нормативами тестов здоровья “Барчиной”. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 37-40).
25. Yakubova, G. K. (2021). MONITORING OF PHYSICAL EDUCATION CLASSES IN CONDITIONS OF HYPERTHERMIA. Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka, 1(2).
26. Усманов, З. Н., & Убайдуллаев, Р. М. ПРОБЛЕМЫ ФИЗКУЛЬТУРНО-ОЗДОРОВИТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ В СИСТЕМЕ ШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ.
27. Yuldashev, M. (2021). INNOVATIVE ASPECTS FOR HEALTHY LIFESTYLE FORMATION AND DEVELOPMENT OF SPORTS. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS, 2(05), 102-107.
28. Сидикова, Г. С. (2022). ФОРМИРОВАНИЕ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ У ДЕТЕЙ СТАРШЕГО ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА. Таълим ва Ривожланиш Таҳлили онлайн илмий журнали, 2(1), 6-11.
29. Patidinov Kamolidin. (2021). Physical Fitness and Development of School Students. Journal of Pedagogical Inventions and Practices, 2(2), 89–91. Retrieved from https://zienjournals.com/index.php/jpip/article/view/330
30. Хайдаралиев, Х. Х. (2022). РОЛЬ РИТМИЧЕСКОЙ ГИМНАСТИКИ В ДОШКОЛЬНОМ ОБРОЗОВАТЕЛЬНОМ УЧРЕЖДЕНИИ ДЛЯ ДОШКОЛЬНИКОВ. Academic research in educational sciences, 3(3), 591-599.

31. Туйчиев, А. И., & Сидикова, Г. С. (2022). ОРГАНИЗАЦИЯ ФИЗКУЛЬТУРНО-ОЗДОРОВИТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ С ДЕТЬМИ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА. JURNALI, 178.
32. Patidinov Kamolidin. (2021). Physical Fitness and Development of School Students. Journal of Pedagogical Inventions and Practices, 2(2), 89–91. Retrieved from https://zienjournals.com/index.php/jpip/article/view/330
33. Абдуллаев, А., & Хонкелдиев, Ш. Х. (2007). Жисмоний тарбия назарияси ва усулияти. Олий ўкув юртлари учун дарслик. Т. ЎзДЖТИ наш. бўл.
34. Xolmirzaevich, A. J. (2022). Improving Theoretical Fundamentals of Physical Culture Classes. Texas Journal of Engineering and Technology, 9, 88-91.
35. Gennadevna, K. G. (2021). Athletics in the System of Physical Education of Student Youth. European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630), 250-252.